

Ўз пирини шаҳардан чиқариб юборган вазир

Хожа Абу Абдуллох Захл унинг чин муридларидан эди ва унинг учун кўп ишлар қилганди.

Бир марта Шайх унга деди:

- Бу яхшиликларни қиласан ва охири мени бу шаҳардан ҳам сен чиқариб юборасан.

Захл сўради:

- Менми?

Яна таъкидлади:

- Сен!

Захл таажжуб қилди. Бу суҳбатдан бир муддат ўтгач, Мухаммад Абдуллох Гозурий Хиравий маориф ва насихатни таъсирчан қилиб айтарди ва халқни тарқидунёчиликка тарғиб қила бошлади. Халққа бу сўзлар каттиқ таъсир қилиб, дунё ишидан кўл тортарди. Хожа Абу Абдуллох Захл узр билан Шайхни шаҳардан чиқардики, сенинг сўзинг элга зиён қилур, яъни, эл ишидан кўл тортса, подшоҳ хазинасига маблаг кам тушади.